

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНҚИРОЗДАН ОЛДИНГИ ВА ИНҚИРОЗ ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

*Жўраев Илҳомжон Камолидинович*

*и.ф.ф.д., (Phd)*

*University of Business and Science, “Молия” кафедраси мудири*

[ilhomjonjurayev@gmail.com](mailto:ilhomjonjurayev@gmail.com)

+99894 300 00 75

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес субъектларининг инқироздан олдинги ва инқироз давридаги ҳолатини таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, корxonанинг барқарорлик ҳолати, инқироз, ҳаракатсизлик.

**Кириш.** Жаҳон мамлакатларида кичик бизнес нафақат фойда олиш мақсадида фаолият юритадиган хўжалик субъекти, шу билан бирга, жамиятдаги турли ижтимоий муаммоларнинг ечими бўйича зарур восита сифатида ҳам эътироф этилмоқда. “Жаҳон иқтисодиётида жами товарлар ва хизматлар экспортининг 55 фоизи, инновацион маҳсулотларнинг 35 фоизи, солиқ тушумларининг 23 фоизи, банд бўлган аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади”<sup>5</sup>. Бу эса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини, жумладан инқирозга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқишда кичик бизнес имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Дунёда кичик бизнес субъектларида иқтисодий инқирозга қарши курашиш стратегиясининг методологик-услубий асосларини такомиллаштиришда кичик бизнес субъектлари салоҳиятидан миллий рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатида фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш ва рақамли платформаларга ўтказиш, фаолият ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектлари учун қулай шарт-шароит яратиш, кичик бизнес субъектларининг ташаббус ва фаоллигини таъминловчи иқтисодий механизмларни йўлга қўйиш, кичик бизнес субъектлари фаолиятини жадаллаштириш орқали мамлакатда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш имкониятларини очиб бериш бу борадаги муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларида иқтисодий инқирозга қарши курашиш стратегиясини такомиллаштиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, республика минтақаларининг табиий

<sup>5</sup> Лю Сяомэй. Малый и средний бизнес в условиях глобализации мировой экономики. <https://cyberleninka.ru/article/n/malyy-i-sredniy-biznes-v-usloviyah-globalizatsii-mirovoy-ekonomiki>

ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатда ушбу чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида “...ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби амалда ўз самарасини берди”<sup>6</sup>. Бу соҳада Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишда кичик бизнес субъектларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва соҳа ривожланишини ҳар томонлама илмий тадқиқ этишнинг долзарблиги ошиб бормоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва услубий асослари ҳамда уларнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлардан Ж.Б.Сей, А.Смит, Р.Кантильон, Й.Шумпетер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Р.Акофф, Л.Водачек, П.Друкер, Л.Мизес, Ф.Хайек, Э.Харгадон ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилган<sup>7</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, назарий асослари ва унинг ҳудудий хусусиятлари бўйича МДҲ олимларидан Л.И.Абалкин, Д.В.Ходос, Г.С.Сеялова, В.В.Радаев, В.М.Власова, А.М.Самозкин, В.Г.Гутман, И.А.Родионова, В.Г.Мединский, Л.Г.Шаршукова ва А.В.Бусигинлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар<sup>8</sup>.

<sup>6</sup>Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. - 20.08.2021 [https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratisheng-muhim-vazifamizdir\\_294814](https://uza.uz/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlantirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratisheng-muhim-vazifamizdir_294814)

<sup>7</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: 1976.-332 с.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности.- М.: 1994. – 144 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: 1982. –230 с.; Хизрич Р. Питерс М. Предпринимательство. Вып 1. –М.: 1998.– 126 с.; Сей Ж.Б. Трактат политической экономии – М.: Экономика. 1980. -217 с.; Хоскинг А. Курс предпринимательства.- М.: Международные отношения, 1993. - 273 с. Акофф Р. Искусство решения проблем. – М. Мир, 1992. – 224с.; Водачек Л., Водачкова. Стратегия управления инновациями на предприятии. – М.: Экономика, 2004.-365с.; Друкер П. Управление бизнесом. – М.: Альпина Диджитал, 2016. -250 с.; Мизес Л. Теория и история: Интерпретация социально-экономической эволюции. –М.: Юнити-дана, 2001 -295 с.; Хайек Ф. Право, законодательство и свобода. –М.: Ирисэн, 2006. -220 с.; Харгадон Э. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний. –М.: ИД Вильямс, 2007. 340 с.

<sup>8</sup>Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии // Абалкин Л. Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47. Ходос Д.В. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. - Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. - 234 с. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. "Оренбург. гос. ун-т". - Оренбург : ОГУ, 2006. - 139 с. Радаев В.В. Экономика переходного периода. Учебное пособие.-М.:1995.-456с.; Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности. –М.: Финансы и статистика 1996.-106 с.; Самозкин А.М. и др. Теория и практика бизнеса. –М.: РФА.1997.–230 с.; А.Г.Гранберг. Основы региональной

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, уларнинг инқирозга қарши курашиш муаммолари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, Ш.Н.Зайнутдинов, А.Ш.Бекмуродов, Ж.Камбаров, Н.Х.Жумаев, Д.Н.Рахимова, Н.Қ.Йўлдошев, А.Ғофуров, М.Р.Болтабаев, Б.К.Ғойибназаров, Н.М.Махмудов, С.К.Салаев, Ш.Эргашходжаева, У.В.Ғафуров, Д.С.Алиматова, М.М.Ибрагимов, Х.А.Темиров, А.Хошимов, М.А.Мансуров, О.Казаков, К.Курпаяниди, М.Ашуровларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>9</sup>.

**Таҳлил натижалари.** Инқироз даврида кичик бизнес субъектларини бошқаришнинг бир йўли бу, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Таҳлил қанчалик аниқ бўлса, тадбиркорнинг зарарни қоплашдан фаол ҳаракатларга ўтиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Анъанага кўра, муаммоларни таҳлил қилиш (кўпинча банкротлик таҳлили<sup>10</sup> ёки банкротлик хавфини таҳлил қилиш<sup>11</sup> деб аталади) маълум маълумотлар базасига ва таҳлил ўтказиш усулларига асосланади. Бундан ташқари, батафсил, чуқур ўрганиш орқали корхонада дастлабки баҳолашни амалга ошириш ва хулосаларни тез

---

экономики. М.: ГУ.ВШЭ. 2004. -495 с.; В.Г.Гутман и др. Управление региональной экономикой М.: Финансы и статистика. 2002. -176 с.; Родионова И.А. Региональная экономика. М.: Экзамен. 2003. -384 с.; Медынский В.Г., Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство: Учеб. пособие. –М.: ИНФРА-М, 1997. -237 с.; Бусыгин А. Предпринимательство. –М.: Бусыгин, 2003. -614 с.


<sup>9</sup>Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. –Т.: 2003. -37 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. -256 б.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари, 100 саволга - 100 жавоб. –Т.: Меҳнат. 2002. -157 б.; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: 2003. -258 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: И.ф.д. диссертация автореферати. –Т.: 2000. -42 б.; Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006. -267 с.; Бекмуродов А.Ш., Йўлдашев Н.К. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан». 2004. – 65 б.; Эргашев Ф., Рахимова Д., Сағдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менеджмент. Дарслик. Т.: Академия, 2005. -90 б.; Ғофуров А. Кичик хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг минтақавий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. Монография. Фарғона: 2008.-74 б.; Болтабоев М.Р., Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: 2011.-43 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.-14 б.; Ш.Ж.Эргашходжаева. Инновацион маркетинг. – Т.: Чўлпон, 2014. – 178 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.: иқт.фан.док...дисс. -Т. ЎзБМА. 2017. – 274 б.; Алиматова Д.С. Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш.: и.ф.д. дисс. автореф. -Т.: ТМИ. 2018. – 77 б.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш. и.ф.б.ф.д. дисс. автореф.-Т.ТДИУ. 2018. – 54 б.;

<sup>10</sup> Патласов О.Ю., Сергиенко О.В. Антикризисное управление. Финансовое моделирование и диагностика банкротства коммерческой организации. М.: Книжный мир, 2009. 512 с.

<sup>11</sup> Бжассо А.А., Котлярова О.А. Диагностика риска банкротства как основа экономической безопасности предприятия в современных условиях //Экономика и бизнес. Теория и практика, 2020, том 2-1(60), с. 153-156. DOI: 10.24411/2411-0450-2020-10108.

таҳлил қилиш керак. Таҳлил натижасида нафақат миқдорий ва сифатга йўналтирилган усулларни танлаш имконини беради. Баҳолашни сифатга асосланишининг афзаллиги, номолиявий кўрсаткичларни ҳисобга олиш имконияти туғилади. 1-расмда корxonанинг барқарорлик ҳолатини таҳлил қилиш кетма-кетлиги келтирилган.

Инқирозга олиб келган муаммоларни бартараф этиш учун, инқироз чуқур ва самарали таҳлил қилиниши керак. Инқирозни таҳлил қилиш ҳам ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув соҳаларида жуда долзарб масала бўлиб қолмоқда<sup>12</sup>.



1-расм. Корxonанинг барқарорлик ҳолатини таҳлил қилиш кетма-кетлиги<sup>13</sup>

Кичик бизнес субъектларини таҳлил қилиш инқирозга қарши курашишда маълум бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак:

- ресурсларнинг асосий манбаи сифатида пул оқимлари динамикасини таҳлил қилиш. Уларнинг ўсиши ёки камайиши молиялаштириш муаммоларини тушунишда фойдаланиладиган интеграл мезондир;

- инқирозга қарши курашиш учун бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини (ресурсларни жалб қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятларини) таҳлил қилиш. Юқоридагилар стратегияда ўз аксини топади;

<sup>12</sup> Meiste R., Jakstiene S. Crisis Diagnosis in Anti-Crisis Management Process in a Company // Oeconomia Copernicana, 2015, vol. 6(4), pp. 49-58.


<sup>13</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- институционал муҳит ва кичик бизнес субъектлари имкониятларини ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш учун амалга оширилаётган давлат дастурларини таҳлил қилиш;

- бизнесни ўзгаришларга тайёрлигини, тадбиркорликни рақамлаштиришга ҳамда истеъмолчининг рақамли ва коммуникацион ўзгаришларга тайёрлигини таҳлил қилиш.

COVID-19 пандемияси сабабли юзага келган инқироз даврида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари рақамлашди, чунки бошқа барча усуллар саноатни диверсификация қилиш, маҳсулотларни диверсификация қилиш билан боғлиқ бўлиб, бу пандемия инқирози даврида кўп вақтни талаб қилади.

Бундан ташқари, агар инқироз бир зумда барҳам топса, кичик бизнесни қайта тиклаш учун махсус режа керакми деган савол туғилади. Бизнеснинг фикримизча, ҳар қандай ҳолатда ҳам тикланиш режаси талаб қилинади, демак, кўпчилик корхоналарда инқирозга қарши тадбирлар фақат бутун иқтисодиётни тиклаш билан бошланади. Таҳлил давомида эътиборга олиниши мумкин бўлган омилларга умумий қараш 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Кичик бизнес таҳлилида инobatга олиниши керак бўлган омиллар тизими<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Манба: муаллиф томонидан тизимлаштирилган

Илмий адабиётларда таҳлил турлича талқин қилинади. Тўғридан-тўғри қараш – муаммони аниқлаштириш (Ж.Дарлинг, Т.Каш<sup>15</sup>), билвосита қараш – муаммонинг оқибатларини аниқлаштириш (Р.Смит<sup>16</sup>), мавжудлиги тўғрисида маълумотлар – айрим белгиларни аниқлаштириш (Ж.Гуларт, Н.Келле<sup>17</sup>). Инқирозни таҳлил қилиш дастлаб 1932 йилда Р.Фицпатрикнинг тадқиқот ишида пайдо бўлди, тадқиқотчи ўз ишида 20 та фаолият юритаётган корхонани 20 та ёпилган корхона билан таққослаган<sup>18</sup>.

Корхонанинг молиявий таҳлили унинг умумий таҳлилда муҳим аҳамиятга эга, бу молиявий инқирозни олдиндан баҳолаш имконини беради. Корхонанинг молиявий таҳлили кўп танқид қилинади, бунинг сабаби молиявий таҳлил кенг қамровлиги ва хулосалари турли эканлигидир<sup>19</sup>. Молиявий таҳлилнинг турли моделлари бир биридан фарқли хулосага келиш имконини беради. Бундай моделлар тавсия хусусиятига эга ва бир хил хулоса чиқариш учун битта модель қонуний асосда расмий модель деб тан олинади. Тадқиқот ишига хулоса қилиб, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда молиявий таҳлилнинг уч моделидан фойдаланилмоқда:

1) тўлов қобилиятини баҳолаш, бу талабларни қабул қилиш вақтида улар бўйича тўлаш имконияти ҳақидаги саволга жавоб беради. Ушбу баҳолаш бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ва пул оқимларини прогнозлаш асосида амалга оширилади. Бироқ, пул оқимларини қисқа вақт ичида, умумий инқироз даврида аниқ прогнозлаш мумкин, аммо, таваккалчиликдан фарқли ўлароқ, баҳолаш мумкин бўлмаган ноаниқликлар туфайли муайян бизнес учун тор даражада прогноз қилиш қийин бўлади.

Хусусан, ҳозирги инқироз шароитида пандемиянинг тугаш муддатини ёки навбатдаги тўлқин бўлиши эҳтимолини тахмин қилишнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, ушбу моделда тугатиш қийматини аниқлаш жуда муҳим, бироқ, пандемия даврида қиймат нотўғри белгиланиши мумкин, чунки ҳозирги вақтда кўп активларнинг қиймати ошириб юборилган, бу эса, бир томондан, (ҳисоб-китобда) қарз мажбуриятларининг таъминланганлиги юқорилигини кўрсатса, бошқа томондан (сотишда) оширилган нархда сотишнинг мумкин эмаслигини кўрсатиши мумкин.

2) қарз мажбуриятларининг активлар қиймати билан қопланишини баҳолаш. Агар олдинги модель жами пул оқимлари ва тугатиш қийматини умумлаштирилган ҳолда баҳоласа, бу модель баланс активларининг бозор қийматини баҳолайди ва уни қарз мажбуриятлари миқдори билан таққослайди.

<sup>15</sup> Darling J.R., Kash T. Crisis Management: Prevention, Diagnosis and Intervention // Leadership & Organization Development Journal, 1998, vol. 19, no. 4, pp. 179-186.

<sup>16</sup> Smith R. Analysis of Earth-Moving Using Discrete-Event Simulation // Journal of Construction Engineering and Management, 1995, vol. 121(4), pp. 388-396.

<sup>17</sup> Gouillart J., Kelle N. Business Transformation. Gemini Consulting. Wien: Uberreuter, 1995.

<sup>18</sup> Murphy P. Chaos Theory As A Model For Managing Issues And Crises // Public Relations Review, 1996, vol. 22(2), pp. 95-113.

<sup>19</sup> Бобылева А.З., Львова О.А. Финансово-экономический инструментарий выявления признаков объективного банкротства // Актуальные проблемы экономики и права, 2020, том 14, № 1, с. 22-39.

Ушбу модель шаффофлиги ва ўлчаш мумкинлиги туфайли қонунчилик даражасида энг кўп қўллаб-қувватланади (экспертлар томонидан ёки ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқланадиган келажакдаги даромадларни тасдиқлашга ҳожат йўқ);

3) капиталнинг етарлилигини баҳолаш. Бунда олдинги иккита моделда олинган натижаларнинг айрим жиҳатлари аниқланади.

Ушбу илмий ишда таҳлилнинг статик ва тренд моделларидан (масалан, молиявий тузилма, кредит ҳолати, операцион ҳолати, фойдалилик ва қисқа муддатли кредит) иборат бўлган гибрид молиявий таҳлил модели таклиф қилинади.

Шунинг учун биз бухгалтерия балансида юзага келган пропорцияларга асосланган ҳолда компаниянинг молиявий аҳволини баҳолаш компания ривожланишининг барча ўзига хос хусусиятларини акс эттира олмайди, деган хулосага келамиз. Бундай вазиятда а) гибрид моделдан фойдаланиш ва б) таҳлилни номолиявий омиллар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнеснинг келажакдаги муаммоларини прогноз қилиш учун гибрид молиявий таҳлил моделидан фойдаланиш ғояси тадбиркорлик таваккалчиликлари ёки ноаниқликларни баҳолашга асосий ёндашувларидан бири ҳисобланади<sup>20</sup>. Бизнеснинг муаммоларини прогноз қилиш учун молиявий таҳлил моделларини ишлаб чиқиш бизнес эгалари ва менежерлар учун жуда фойдали бўлган «эрта огоҳлантириш тизими» вазифасини бажариши мумкин.

Молиявий коэффицентлар бизнеснинг муаммоларини прогноз қилиш учун муҳим восита ҳисобланиб, улардан, одатда, моделлар ёки классификаторларни ишлаб чиқиш учун фойдаланилади. Молиявий таҳлил операцион бўлинмаларнинг жорий молиявий ҳолатини ўлчаш ва уларнинг келажакдаги молиявий ҳолатидаги тенденцияларни изчил прогнозлайдиган молиявий кўрсаткичлар ва статистик прогнозларни ўз ичига олади. Молиявий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш жараёни компания ҳақида доимий равишда маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш учун асос яратади – буни ўз тадқиқотларида А.Дамодаран<sup>21</sup>, Л.Малфорд ва Ю.Комискей<sup>22</sup>, С.Пенман<sup>23</sup> таъкидлаб ўтган.

Молиявий таҳлилнинг статик модели учун унинг асосий тавсифи баъзи муҳим молиявий коэффицентларга қаратилган бўлиб, ушбу муҳим молиявий коэффицентлар ва уларнинг кутилаётган натижалари ўртасидаги муносабатни тавсифлайди. Бошқа томондан, молиявий таҳлилнинг тренд (динамик) моделлари бир ёки бир нечта ўзига хос белгилар, эҳтимолий қийматлар, коэффицентлар ёки бошқа ҳар қандай белгиларни кузатишга қаратилган.

<sup>20</sup> Shi-Ming H., Chih-Fong T., David C.Y., Yin-Lin C. A hybrid financial analysis model for business failure prediction//Expert Systems with Applications, 2008, №35, с. 1034-1040.

<sup>21</sup> Amodaran A. Investment valuation: Tools and techniques for determining the value of any asset (2nd ed.). Addison Wiley, 2002.

<sup>22</sup> Mulford C.W., Comiskey E.E. The financial numbers game: Detecting creative accounting practices. Addison Wiley, 2002.

<sup>23</sup> Penman S. Financial statement analysis and security valuation (2nd ed.). McGraw-Hill, 2003.

Ушбу икки таҳлил моделининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва, албатта, баъзи чекловларга эга. Агар юқорида тилга олинган икки моделнинг кучли ва заиф томонларини бирлаштириш мумкин бўлганида эди, янада аниқ таҳлил натижаларини олиш мумкин бўларди, деган мулоҳазалар бор<sup>24</sup>.

Ушбу хулосага асосланиб, биз гибрид модель инқироз босқичида, тезроқ қарор қабул қилиш талаб қилинадиган пайтда фойдали бўлади, деган хулосага келдик. Инқироздан олдинги ҳолатда гибрид моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки зиддиятлар туфайли у тадбиркорлик стратегиясидан воз кечишга мажбур қилиши ва шу тариқа келгуси натижаларни ёмонлаштириши мумкин. Тикланиш босқичида ҳам гибрид модель ёмон натижа беради, чунки унинг базиси «ёмон даврлар»ни ўз ичига олади ва шунинг учун у ривожланишни текислаб юбориши мумкин.

Агар молиявий кўрсаткичларда салбий динамика мавжуд бўлса, унда комплекс молиявий таҳлил ўтказилиши керак, чунки на диагностика, на экспресс-таҳлил аниқланган салбий динамиканинг тенденциялари ва сабабларини тўғри тушуниш ва сабабларни аниқлаш, шунингдек, кўрсаткичлар, шу жумладан ҳисоб ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини англаш имконини бермайди. Шу боис, баён этилган икки ёндашувга учинчи ёндашув – номолиявий омиллар ҳисобини юритишни қўшиш мумкин.

Таҳлил қилиниши керак бўлган омилларни ўрганар эканмиз, ички омиллар аллақачон молиявий моделда баҳоланганлигини қайд этамиз. Инқироздан олдин ҳам муаммоларга олиб келган омилларни таҳлилдан чиқариб ташлашга ҳаракат қиламиз. Амалда бундай вазият юзага келиши имкони йўқлигини тушунсакда, бу ёндашувни таҳлил доирасида амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

### 1-жадвал

#### Кичик корхоналар инқирозда ривожланишига ёрдам берадиган номолиявий омиллар<sup>25</sup>

Омиллар		Тавсифи ва таъсири
Ташқи муҳит	Бозор	бозор сизими ва унинг ҳажми ўзгариши, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракатлари, бозордаги талаб ва харидорларнинг тўлов қобилияти ўзгариши
	Давлат томонидан тартибга солиш	фаолият турларини лицензиялаш, квоталар ва чекловлар киритиш, сертификатлаштириш
	Мезоиктисодиёт	минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси, инвестицион жозибadorлик, экология
	Макроиктисодиёт	инфляция даражаси, валюта курси, маҳсулот, материаллар ва асбоб-ускуна импорти тузилмаси
	Таъминот	етказиб берувчиларнинг нархлари шаклланиши, импортга тобелик, етказиб берувчиларнинг тўлов шартлари, хом ашё дефицити, етказиб берувчининг инсофсизлиги, кредиторлик қарзларини узиш муддатлари чўзилиб кетиши


<sup>24</sup> Shi-Ming H., Chih-Fong T., David C.Y., Yin-Lin C. A hybrid financial analysis model for business failure prediction//Expert Systems with Applications, 2008, №35, с. 1034-1040.

<sup>25</sup> Манба: куйидагилар асосида муаллиф томонидан тузилган: Бобылева А.З., Львова О.А. Финансово-экономический инструментарий выявления признаков объективного банкротства // Актуальные проблемы экономики и права, 2020, том 14, № 1, с. 22-39.



	Маркетинг / Сотувлар	ассортимент сиёсати ва маҳсулотни илгари суришдаги камчиликлар, маҳсулот сифати пасайиши, дебиторлик қарзлари
Корхона Активлари	Қўчмас мулк / Айланма активлардан ташқари	мулк чиқарилиши / сотилиши, фойдаланилмайдиган мулк мавжудлиги, тугалланмаган қурилиш муддати ошиши, асбоб-ускуна ишдан чиқиши, ўрнатилмаган асбоб-ускуна, зарур инфратузилма йўқлиги ёки ундан фойдаланиш имконияти йўқлиги, ижарага берувчилар билан муносабатлар
	Айланма активлар	захиралар етишмаслиги, энергия манбаларининг нархи ошиши, хом ашё ва бутловчи қисмларни етказиб берувчилар билан муносабатлар, ортиқча материаллар, хом ашёни сақлаш харажатлари
Ходимлар		ходимлар сони ва малака нуқтаи назаридан оптималлаштирилмаганлиги, ходимлар етишмаслиги, маъмурий ходимларга ортиқча харажатлар
Бизнес-жараёнлар		қарор қабул қилиш вертикалини тузишдаги муаммолар, молиявий режалаштириш йўқлиги, ишлаб чиқариш ва сотувлар баланслаштирилмаганлиги, бэк-офис иши регламентлари, фаолиятни рақамлаштириш бўйича қарорлар йўқлиги

Тадқиқотчилар ўз тадқиқот ишларида корхоналар инқирозининг турли босқичларини келтирганлар. Жумладан, Тадқиқотчилар А.Маккензи<sup>26</sup> ва С.Финк<sup>27</sup> томонидан инқирозини тўрт босқичга ажратадилар: юзага келиши, ўткир босқич, барқарорлашиш ва тикланиш. Бу ҳисобни 1-жадвалда келтирилган, тақдим этилган омиллардан келиб чиқиб юритиш мумкин.



3-расм. Кичик бизнес субъектларида инқирознинг турли даврида моделларни қўллаш матрицаси<sup>28</sup>

<sup>26</sup> MacKenze A. Dealing With Disaster. Asian Business, 1994.

<sup>27</sup> Fink S. Decision Making in Crisis: The Piper Alpha Disaster. In: Managing Crisis: Threats, Dilemmas, Opportunities. Charles C. Thomas Publisher, 2002.

<sup>28</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инқирознинг юзага келиши таҳлили инқирознинг белгиларини у ўткир фазага киришидан олдин аниқлаш имконини беради. Ҳозирги пандемия инқироzi даврида кичик бизнес учун инқирознинг юзага келиш босқичи “ҳаракатсизлик”ни бошланишини кутиш вақтини ўз ичига олади, “ҳаракатсизлик” эса бир зумда ўткир босқичга олиб келади. Шунини таъкидлаш керакки, ҳозирги инқироз шароитида номолиявий таҳлилнинг роли молиявий таҳлилнинг ролидан сезиларли даражада ошади, бу қуйидаги 3-расмда акс эттирилган.

Инқирознинг ушбу босқичида бизнес самарадорлиги кўрсаткичларининг профилактик таҳлилинини ўтказгандан сўнг, инқирозга қарши чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мумкин. Шу боис, ушбу босқичда инқирозли вазият юзасидан таҳлил ўтказиш муҳимдир.

Юқори даражадаги инқироз даврида кўрилган барча зарарни тиклаш имконияти йўқ, зарар ҳажми эса инқирозни бошқариш имкониятини белгилаб беради – шу боис ушбу босқичда корхона тузилмасининг бузилиш эҳтимоли катта. Айнан шунинг учун ушбу босқичда оператив бошқарувни жорий маълумотларга асосланган ва ташқи муҳитнинг ўзгариши омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Тўғри жавоб чоралари ва қатъий режалаштирилган ҳаракатлар унинг оқибатларини юмшатиш ва банкротликнинг олдини олиш имконини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Тикланиш инқирозга қарши бошқарувнинг пировард мақсади ҳисобланади. Корхона инқирозга дуч келганида уни бошқариш режаси қарор қабул қилишнинг энг яхши сценарийсига асосланган бўлиши керак. Бу босқичда сценарийнинг энг яхши кўрсаткичлари олдиндан ҳисобланган йўл бўйича аниқланади. Инқирозни енгиб ўтилиши билан корхона ривожланишни бошлайди, фаолияти барқарорлашади ва режалаштирилган натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Инқирознинг сабаблари таҳлил қилинган, таъкидлаш мумкинки, инқирозли вазиятларни кузатиш моделини ҳар қандай корхонада қўлланилиши мумкин. Инқирозни таҳлил қилиш орқали ҳимояга асосланган стратегияни қўллаш керакми ёки ҳужумга асосланганими, тушуниш мумкин. Шундай қилиб, таҳлил тизимида учта асосий талаб кўрсатилган: инқирозни мавжуд деб қабул қилиш; олинган натижаларнинг ишончлилиги; жараённинг узлуксизлигини таҳлил қилиш.

### Фодаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бекмурадов А.Ш., Янг Сонг Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ. 2006. – 112 с.
2. Eggers F., Kraus S. Growing young SMEs in hard economic times: The impact of entrepreneurial and customer orientations – a qualitative study from Silicon Valley // Journal of Small Business & Entrepreneurship, 2011, vol. 24, no. 1, pp. 99-111

3. Edvardsson I.R., Teitsdóttir U.D. Outsourcing and financial crisis: Evidence from Icelandic service SMEs // *Employee Relations*, 2015, vol. 37(1), pp. 30-47.

4. Жаббаров К.Й. Иқтисодий инкироз категория сифатида. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 6, 2017 йил.

5. Mee Jung Kim, Kyung Min Lee, John S. Earle. Does the Community Reinvestment Act increase lending to small businesses in lower income neighborhoods? *Economics Letters* Volume 209, December 2021. <https://doi.org/10.1016/j.econlet.2021.110146>

6. Юлдашева Н.А. Тўқимачилик корхоналарида инкирозга қарши бошқарувни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. // Тошкент – 2020. 53 б.

7. [www.review.uz](http://www.review.uz)